



**ТАСДИҚЛАЙМАН:**  
Тиббиёт бирлашмаси бош

*С. Керимов*  
2022й.

**БУЮРТМАЧИ:**

**Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси**

**Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси  
биносига қуввати 3 кВт бўлган қуёш  
электростанциясини (ON GRID тизими)  
жиҳозларини олиб келиш ва ўрнатиш**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Чуст тумани -2022**

# Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Шартнома асосида Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси биносига қуввати 3 кВт бўлган куёш электростанциясини (ON GRID тизими) жиҳозларини олиб келиш ва ўрнатиш.

1.2. Танлов охирги қиймати – **25 000 000 (йигирма беш миллион)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан таъминотчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Асосий воситаларни етказиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 кун.

1.5 Асосий воситаларни етказиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти, Чуст тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Иш тажрибаси;

ўз кучлари билан илгари етказиб берилган махсулотлар тўғрисида маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);


Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг хужжатлари, хусусан, асосий воситаларни техник параметрлари билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хисобчи:

 Б. Саифуллин